

HBV РНКСИННИНГ СУРУНКАЛИ ВИРУСЛИ ГЕПАТИТ В КАСАЛЛИГИНИ БАҲОЛАШДАГИ АҲАМИЯТИ

Рахманова А. М.,

Кан Н. Г.

Республика ихтисослаштирилган эпидемиология, микробиология, юқумли ва паразитар касалликлар илмий-амалий тиббиёт марказининг вирусология илмий-тадқиқот институти

Илмий адабиётларга кўра, сурункали гепатит В бутун дунё бўйлаб жигар етишмовчилиги, цирроз ва гепатоцеллюляр карцинома (ГЦК) нинг етакчи этиологик сабабларидан биридир. Бу ҳолатни ҳозирда мавжуд дори воситалари билан бутунлай даволаб бўлмайди, чунки бунга сабаб HBV РНК транскрипцияси учун ишончли намуна бўлган гепатит В вирусининг (ГВ В) ковалент ёпиқ айланма ДНКсининг (кёаДНК) зарарланган гепатоцитларда доимий мавжудлигидир. ГВ В нинг ҳаёт циклини тушунишдаги ажойиб ютуқлар инсон организмидаги ГВ В ҳолатини акс эттирувчи зардоб биомаркерларини аниқлашга имкон берди. Энг яхши ўрганилган ва кенг қўлланиладиган биомаркер - ГВ В ДНК бўлиб, у прегеномик РНК (пгРНК) нинг тескари транскрипциясидан ҳосил бўлади. Бу жараён нуклеокапсид ичида бўлиб ўтади. Зардоб ГВ В ДНК миқдорини аниқлаш касаллик босқичини баҳолаш, жигар билан боғлиқ асоратларни башорат қилиш ва антивирус терапияга бўлган эҳтиёжни аниқлаш учун қўлланилган. Учта потенциал биринчи қатор нуклеотид аналоглари мавжудлиги билан зардоб ГВ В ДНКси терапияни бошлашдан сўнг тезда сезилмас бўлиб қолади ва кўп ҳолларда уни касалликнинг кечишини кейинроқ башорат қилиш воситаси сифатида қўллаб бўлмай қолади. Бу ҳолатда бизга кёаДНК репликациясини акс эттирувчи янги зардоб биомаркери керак бўлади.

Тадқиқотнинг мақсади. Вирусология илмий-тадқиқот институтининг ходимлари томонидан " ROSSAmed HBV-RNA " реагентлар тўплами ёрдамида RT-PCR усули билан гепатит В вируси (HBV)ни аниқлаш ва уни касалликнинг клиник кечишидаги аҳамиятини баҳолаш (ишлаб чиқарувчи ООО «ROSSA», Ўзбекистон).

Тадқиқот материали ва усуллари. Тадқиқот учун ПЗР текширув усули бўйича HBV ДНК си мусбат бўлган 55 та намуна олинди. ИФТ маълумотларига кўра, 55 та намуна орасида:

- 3 та намуна таркибида HBsAg;
- 1 та намунада вирусли гепатит Д нинг антитаначалари мавжуд;
- 16 та намунада вирусли гепатит D га қарши антитанача йўқ;
- 4 та намунада вирусли гепатит В ва С нинг РНК ва ДНК си мавжуд.

Натижа

Вирусли гепатит В ДНК сани сақловчи 55 та намунали тест тўплами синовдан ўтказилганда, вирусли гепатит В РНК си 55 та намунада аниқланди.

Хулоса

Тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, ГВ В ДНКси ва РНКси КёаДНК билан корреляцион боғлиқликда ва ГВ В РНК сининг қонда мавжудлиги ГВ В инфекцияси, уни даволаш ва прогноз қилишда янги зардоб биомаркери бўлиб хизмат қилиши мумкин.